# ШАРТНОМА № 005

Урганч шахри 2022 йил "17" Январ

"Амирбек Метан Газ" МЧЖ (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Раҳбар вазифасида ишловчи Сапаев Мансурбек бир томондан ва «ВЭСБ МНТК Дк» (кейинги ўринларда "Харидор"деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Н. Каримов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Сотувчи" шартномада кўрсатилган махсулот(лар) ни етказиб беради, "Харидор" эса шартномада кўрсатилган махсулот хақини ўз вақтида ва белгиланган тартибда тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2. Товар хақида маълумотлар:

| № | Товарнинг номи | Ўлчови | Миқдори | Бахоси | ҚҚС | Умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Метан Газ | м3 | 2736 | 2000 сўм | 15% | 5472000 |
| | | | | | | |
| | Жами: | | 2736 | 2000 | х | 5472000 |

## 2. МАХСУЛОТ БАХОСИ, ҚИЙМАТИ

2.1. Махсулотнинг умумий қиймати 5472 (беш миллион тўрт юз етмиш икки) минг сўмни ташкил этади.

2.2. Товар бахоси ўз ичига 15 % қўшилган қиймат солиги ни олади.

## 3. ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ

3.1. "Харидор" "Сотувчи" нинг хисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг 30 % ини олдиндан 10 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури : пул ўтказиш.

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ МУДДАТИ

4.1. Шартноманинг 1.2 – бандида кўрсатилган махсулот "Харидор" га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «1» Январ дан 2022 «31» Декабр гача ўз кучида қолади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУКЛАРИ

5.1. "Харидор" нинг хуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни "Сотувчи" дан талаб қилишга.

5.1.2. "Сотувчи" дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга хақлидир.

5.2. "Сотувчи" нинг хуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хақ тўлашни ва шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни "Харидор" дан талаб қилишга;

5.2.2. "Харидор" дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга хақлидир.

## 6. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. "Сотувчи" мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида "Харидор" га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот бахосини қайтариб бериш.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Хеч бир тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнғин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.

## 8. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар енг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.
8.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали хал қилинади.

## 9. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар факат иккала томондан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

## 10. БОШҚА ХОЛАТЛАР

10.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
10.2. Тарафларнинг бошка талаблари ___йўқ___
10.3. Шартномага илова ___йўқ___

## 11.ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ :

| СОТУВЧИ: | ХАРИДОР: |
|---|---|
| Юридик номи: "Амирбек Метан Газ" МЧЖ | ВССБ "ИХАТ" К ДК. |
| Манзил: М.Хоразмий 16А | Манзил: Урганч ш. Хонка кўча 136<br>Хр: 1000218603340170723010540003 |
| Хисоб-китоб рақами:20208000300450047001 | ИНН 201629421<br>Молия вазирлиги ЯГХВ |
| Банк ва банк коди: АИТБ Ипотека 00579 | хр: 23402000300100001010<br>мфо: 00014 |
| СТИР:303165891 | Банк: Тош ш марказий банк ХККН |
| телефон: +99 8 91 432-02-20 | |

Раҳбар: ________ М.Сапаев

МЎ

А.А.Каримов.

М.Ў.

Юрист: ________ М. Аудайберганов